

## АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТУРЛИ ГУРУҲЛАР ҚАМРОВИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Каримов Козимжон Нўмонжон ўғли  
Республика Олий бизнес мактаби магистри

Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш дастурлари деярли барча мамлакатларда давлат маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва жамоат ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади:

- миллий (марказий) банклар (Бельгия, Польша, Корея);
- молиявий регуляторлар ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар (АҚШ, Буюк Британия);
- аҳоли бандлиги масалалари бўйича институтлар (ташкилотлар) (Австрия);
- маориф вазирликлари ва таълим муассасалари (Словакия);
- қарзларни тартибга солиш масалалари бўйича институтлар (ташкилотлар) (Бельгия);
- жамғармалар (Польша)”.

Мазкур тартиб таркибидан ўрин олган асосий тадбирларни кўриб чиқамиз.

1. Молиявий саводхонликни ошириш учун етакчи мутассади ташкилотни белгилаш. Жаҳоннинг турли мамлакатларида Марказий банк, Молия вазирлиги, Фан ва таълим вазирлиги, Миллий банк, миллий банклар уюшмаси, Захира банки, Суғурта назорати хизмати, Пенсия жамғармасини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича хизмат, шунингдек, айрим ҳолатларда университетлар, мактаблар, маҳаллий жамоат ташкилотлари молиявий саводхонликни ошириш дастурлари учун мутассади идора ва ташкилотлар сифатида белгиланган.

Фикримизча, молиявий саводхонликни ошириш масалалари кўплаб ташкилот ва идоралар учун тааллуқли бўлсада, бу борадаги ишларни тизимли ва ўзаро мувофиқ ҳолда ташкил этиш учун етакчи мутассади ташкилотни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунга кўра, етакчи мутассади ташкилотни белгилашда унинг қуйидаги жиҳатларга эга эканлигига эътибор қаратиш лозим:

- аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш жараёнларини давлат иқтисодий сиёсати даражасида ташкил этиш ва амалга ошириш борасида нисбатан устувор ваколатга эгалик;
- аҳоли молиявий саводхонлигини таъминлаш борасидаги жорий ва стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига бевосита таъсир кўрсата олиш;
- ўз фаолиятида аҳоли молиявий саводхонлиги билан боғлиқ ҳолат ва кўрсаткичларнинг амалий жиҳатларини нисбатан кўпроқ мужассамлаштириш;
- аҳоли молиявий саводхонлиги даражасининг ошишидан нисбатан кўпроқ бевосита манфаатдор бўлиш;

- мазкур жараённинг тўлиқ ва мунтазам мониторингини таъминлаш, зарур ҳолатларда, унинг айрим қисмлари бўйича бошқа тегишли идора ва ташкилотларга кўрсатмалар бериш ваколатига эга бўлиш ва ҳ.к.

2. Молиявий саводхонликни ошириш учун етакчи мутассади ташкилотнинг бошқа ташкилот ва идоралар билан ўзаро алоқасининг ташкилий-ҳуқуқий асосини таъминлаш. Марказий банк мамлакат аҳолисининг молиявий саводхонлигини ошириш жараёнларини ташкил этиш ҳамда бу борадаги дастурларни ишлаб чиқишда етакчи мутассади ташкилот сифатида майдонга чиқар экан, ушбу дастурлар ҳамда уларда белгиланган чора-тадбирларнинг самарадорлиги кўплаб бошқа ташкилот ва идораларнинг ўзаро мувофиқлашган фаолиятига боғлиқ. Шундай экан, Марказий банкнинг аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш борасида бошқа ташкилот ва идоралар билан ўзаро алоқаси муайян ташкилий-ҳуқуқий меъёрлар орқали мустаҳкамланган бўлиши лозим.

3. Етакчи мутассади ташкилотнинг бошқа ташкилот ва идоралар билан ўзаро таъсир механизмларини ишлаб чиқиш. Марказий банк юқорида таъкидлаб ўтилган ташкилий-ҳуқуқий меъёрлар доирасида аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш борасида бошқа ташкилот ва идоралар билан ўзаро таъсир механизмларини ишлаб чиқиши лозим.

4. Мамлакатда молиявий саводхонликни оширишда аҳоли турли гуруҳларини аниқлаш. Аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш жараёни жуда мураккаб ва кенг қамровли ҳисобланади. Хусусан, ҳар бир фуқаронинг молиявий саводхонлик кўрсаткичлари бўйича ўз индивидуал ҳолат ва даражалари фарқланиши мумкин. Лекин, миллий даражада ҳар бир алоҳида шахс учун молиявий саводхонликни ошириш дастур ёки чора-тадбирларини белгилаш бир томондан, имконият даражасидан ташқарида, бошқа томондан эса жуда самарасиз ҳисобланади. Бунда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда энг оқилона йўл – молиявий саводхонликни ошириш нуқтаи назаридан аҳолининг муайян белги ёки хусусиятлари бўйича турли гуруҳларга ажратиб олиш ҳисобланади.

5. Аҳоли молиявий саводхонлигини оширишнинг турли гуруҳлар қамровига йўналтирилган дастурларини ишлаб чиқиш. Аҳоли молиявий саводхонлигини оширишнинг турли гуруҳлар бўйича ажратиб олгандан сўнг, навбатдаги ва якуний қадам – уларни имкон қадар тўлиқ қамраб олувчи дастурларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Ўзбекистонда мазкур масаланинг муҳимлиги ҳамда ислоҳотларнинг пировард натижасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, имкон қадар юқорида санаб ўтилган барча давлат муассасалари, халқаро молия институтлари ва жамоат ташкилотлари иштирокида, тегишли дастурлар асосида, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аҳоли молиявий саводхонлигини оширишда тарғибот ишлари муҳим ўрин тутди. Фикримизча, бу борадаги кўплаб воситалар билан бир қаторда телевидениенинг

имкониятларидан фойдаланиш муҳим ва самарали ҳисобланади. Бунинг учун куйидагиларни амалга оширишни тақлиф этамиз.

1. Оилавий даромадлар ва харажатларнинг ҳар ойлик ҳисобини юритиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган махсус кўрсатувни ташкил этиш. Бунда муайян оилалар мисолида бир ой давомидаги харажатлар ва даромадлар таҳлили амалга оширилади. Харажатларнинг нақадар тўғри ва зарурлиги, уларнинг оқилона эканлиги, мазкур ҳолатдаги муқобил йўллар, уларнинг ўзини оқлаганлиги даражаси ўрганилади. Шунингдек, даромад манбалари, уларнинг харажатларни қоплаш ҳамда оила жамғармасини ҳосил қилиш учун етарлилик даражаси, даромадларни диверсификациялаш орқали уларнинг ҳажмини ошириш имкониятлари баҳоланади.

Натижада мамлакатдаги турли молиявий имкониятларга эга бўлган оилаларнинг даромадлар ва харажатлар мутаносиблигини таъминлашнинг намунавий моделлари шакллантирилади.

2. Оиланинг истиқболли молиявий режасини тузишга ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқиш.

Кўпинча бу шахсий молиявий режа деб ҳам аталиб, одатда молиявий мақсадларга эришиш ҳамда молиявий вазифаларни ҳал этиш бўйича ҳаракатлар режасини ифодалайди.

Ҳар бир оилада истиқболли молиявий режанинг тўғри ишлаб чиқилиши ва унга қатъий амал қилиниши пировардида мамлакат бўйича аҳолининг молиявий саводхонлик тамойиллари асосида ҳаракат қилишига имкон яратади.